



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (11.837)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг тақлиғига биноан 2011 йил 8-10 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чогида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган миңтақавий ва ҳалқаро аҳамиятга молик дозарб муммалар мұхокама қилинади.

Музокаралар якундаги иккى давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришига қаратилган катор иккى томонлама хужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА.

## СТРАТЕГИК ШЕРИК ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Дунёда ҳаётини, иқтисодий мӯъжизалари билан ном қозонган давлатлар кўп эмас.

Ана шу саноқли мамлакатлар орасида етакчилардан бири Япониядир.

Япония бугун олтин-валюта заҳирави энг кўп давлатлардан саналади. Дунёда унинг юқсак технологиялари етиб бормаган мамлакатни топиш қўйин. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам энг олдинги ўринлардан бирда туради. Ҳалки эса ватанпарварлиги, миллий анъаналарга садоқати, меҳнаткашлiği, тадбиркорлиги билан ажralib туради. Иқтисодчиларнинг фикрича, эндиллик Япония тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши бирмунча камайтириб, факат технологияларни экспорт қилишга ўтмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидек Кунчикар мамлакат билан алоқаларни йўлга кўйини ва уни иззил ривожлантиришини устувор масала сабаби бўлгилади. Япония ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиё миңтақасидаги етакчи давлат сифатида этироф эти. Ўтган давр мобайнида кўплаб олий даражадаги учрашувлар ташкил қилинди, мунтазам равишда турли мақомдаги парламент ва ҳукумат делегацияларининг ташрифлари амалга оширилди. Ишбильармонлар ва академик доиралар ўртасида яқин алоказалар қарор топди. Пировардида, Ўзбекистон

билан Япония ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарили.

Келаси йил Ўзбекистон билан Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 20 йил тўлади. Шу боис айни пайдада иккى мамлакат кўплаб йўналишларда ҳамкорлик ривожлантириш, ўзаро ташрифларни янада кўпайтириш орқали иккى томонлама муносабатларни янги боскичга кўтариши йўлидан бормоқда. Ҳалқаримиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлаш мақсадидага 2012 йилда катор мадданий тадбирлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Япония муносабатлари ҳақида гап кетганда, аввало, иккى мамлакатнинг сиёсий ҳамижиҳатлиги, кўплаб ҳалқаро муаммоларга муносабатлари ўтказиш ва яқин эканини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ва Япония ҳалқаро майдонда, глобал аҳамиятга молик масалаларда ҳамиша бир-бируни кўллаб-кувватлаб келган. Хусусан, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Ҳафсизлик кенгаси доимий аъзоси бўлишини ёқлаб келади. Мамлакатларнимиз Афғонистондаги тикиланнишиларида ҳам фаол қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси» маъruzasi жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида чуқур ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Адлия вазирилари томонидан бу борада кўплаб анҷуман ва учрашувлар ташкил этилаётir. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат аграр университетидаги бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, тегишида давлат ва жамоат ташкиллари вакиллари, мазкур универсitetning профессор-ўқитувчилари ва талабарнишилари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари илари сурган концепция юртимизда де-

## ЁШЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ФАОЛ ЎРГАНМОҚДА

Мократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнини янги боскичга олиб чиқишида мухим дастурларни бўлиб, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар пухта ўрганиши юқсак аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Бу фу-

қаролик жамияти куришнинг мухим кафолати бўлган ҳукукий маданиятини янада юқсалтиришига хизмат киласди.

— Концепциядаги илгор ташабbus ва фояларнинг мазмун-моҳияти, айниқса, миллий қонунилигимиз бўйича мухим таклифлар, ҳалқаро таж-

рибалар уйғулиги ёшларга интэрфаол усулларда ўргатилмоқда, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг гуманитар фанлар кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Нуридин Мусаев. — Зоро, ёшларнинг ҳукукий саводхонлиги жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланишига хизмат киласди.

Анжуманда соҳа мутахассислари ёшларга концепциядаги илгор фоялар, жумладан, суд-ҳукук тизимини ислоҳ этиши максадида амалга оширилаётган ташкилий-ҳукукий чора-тадбирлар аҳамияти ва кўлами юзасидан батағсил маълумотлар бердилар.

(ЎЗА)

✓ САВДО-саноат палатаси ва «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими ҳамкорлигидага кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда ёшларнинг фоаллигини ошириш масалаларига бағишиланган давра сұхбати ўтказилди.

✓ БЕКТЕМИР тумани тибиёт бирлашмаси томонидан соҳа ходимлари учун жорий йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда белгиланган энг мухим устувор вазифалардан келиб чиқсан холда семинар ташкил этилди.

✓ ЯККАСАРОЙ туманидаги 91-мактабда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга бағишиланган давра сұхбати ўштирилди. Тадбир «Камолот» ЁИХ, ҳалқ таълими, тибиёт бирлашмаси туман бўлимлари томонидан ўштирилди.

**XXI садоси**  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент — Денов йўналишида йўловчи ташиб поездлари қатновини йўлга кўйди. Кунора қатновчи поезд Тошгузар-Бойсун-Кумкўрғон темирйўл магистрали бўйича ҳаракатланади.

• Самарқанд ҳалқаро аэропортида ҳукуматимизнинг ушбу соҳа ривожига қаратаётган эътибори ва унинг истиқболига бағишиланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда соҳада самарали фоалият олиб бораётган бир гурӯҳ ходимларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг фахри ёрлик ве эсадалик совғалари топширилди.

• Фарғона шаҳридаги санъат коллежида вилоят ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мұассасаларида таҳсил олаётган ўкуви-ёшларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил қилинди. Унда уста-шоғирд анъаналари асосида ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат сирларини эгаллаётган, шунингдек, рассомчилик, дизайнерлик бўйича билимини, маҳоратини ошираётган йигит-қизлар ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

• Жиззахда янги ишлаб чиқариш корхонаси фоалият бошлади. «Жиззах қўхинур» деб номланган ушбу корхона асосан пилла хом ашёсидан ипак ип тайёрлашга ихтисослашган. Иккى юз киши доимий ишли бўлган янги корхонада атлас ва адреса тўқиши цехи ҳам ишламоқдада.

• Кувалик тадбиркор Шерзодбек Тўхтасинов Толмозор қишлоғида ўн турдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил қилди. Ун киши иш ўрнига эга бўлган мазкур корхонада йилига 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилган.

• Марғилон шаҳридаги Тоғлик маҳалла фуқаролар иғининда тикувчилик цехининг ташкил этилиши ўндан зиёд чевар хотин-қизга доимий иш жойига эга бўлиш имконини берди. Бу ерда буюртма асосида аёллар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланишидан ташқари, уста-шоғирд йўналишида маҳалла қизларига тикувчилик сирлари ҳам ўргатилаётir.

## ЖАҲОНДА

• Москвада ахборот ҳавфислигига бағишиланган «Инфофорум-2011» анжумани бошланди.

• Гречияда фермерлар, шифокорлар, транспорт ва фармацевтика соҳаси ходимлари бир ҳафталик иш ташлашини бошладилар.

• Кеча Ҳиндистонда денгиз қароқчиларининг сувдаги йирик базаси аникланиб, 50 нафар қароқчи хибсга олинди.

• Кеча Таиланд ва Камбоджа ҳарбийларининг ўзаро тўқнашуви натижасида 4 киши ҳаётдан кўз юмди, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси таркибиға киритилган XI асрга оид ибодатхонага шикаст етказилди.

• Лондон биржасида бир тонна миснинг қиймати 10 минг АКШ долларига баҳоланди. Бу мазкур рангли металл нархида рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Мис нархининг ошиши жаҳон иқтисодиётининг сезиларли даражада ўса бошланини билан изохланади.

• Москва мактабларининг кичик ва ўрта синфларида ўқётган ўкувчилари учун грипп эпидемияси туфайли карантин янга узайтирилди.

• Токионинг марказий кўчаларида олтин танга билан савдо қиладиган автомат курилмалар ишга тушди. Бир граммдан саккиз граммгача тилла тангаларни биржада нархидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Мис нархининг ошиши жаҳон иқтисодиётининг сезиларли даражада ўса бошланини билан изохланади.

• Арабистон денгизида сомалилик қароқчилар Россия, Украина, Польша ва Филиппин давлатларининг 12 нафар фуқароси бошқарив бораётган MV Beluga юк кемасини гаровга олишиди. Кемада Германия компанияридан бирининг юклари жойлашган эди. Қароқчилар ҳозирча бирорта талаб билан чиққани йўк.





Тошкент Маданият колледжида номоддий маданий мерос — маънавиятимиз сарчашмаси шиори остида «Сумалак сайли» концерт дастури бўлиб ўтди.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ёшлик» талабалар шаҳараси ҳокимлиги ҳамкорлигидаги ташкил этилган концертда таълим муассасасининг фольклор-этнографик йўналишида таҳсил олётган 3-боскич талабалари ўз истеъодидони намоиш этди.

Тадбирда сўз олан концертнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ва Коракаллогистон халқ артисти Гулшод Отабоева кейинги йилларда мамлакатимизда фольклор-этнографик ансамбларнинг ижодий фаолияти янада ривоҳ топаётганди, юртимизда миллий маросимлар, урф-одатлар ва аънъаналарни тиқлаша, унтилиш арафасидан турган қадими қўшилар ва раксларни излаб топиш, ёшларнинг миллий қадриятларга бўлган эътибори ва қизиқшини янада оширишга қартилган ишлар кўлами тобора кенгайбон бораётганини таъкидлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1998 йилдан бўён фаолият юритаётган

Тошкент Маданият коллежининг Халқ ижодиёти бўлими ўзбек миллий бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириши, фольклор-этнографик йўналишида таҳсил олётган 3-боскич талабалари ўз истеъодидони намоиш этди.

Тадбирда сўз олан концертнинг сценарий муаллифи ва режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ва Коракаллогистон халқ артисти Гулшод Отабоева кейинги йилларда мамлакатимизда фольклор-этнографик ансамбларнинг ижодий фаолияти янада ривоҳ топаётганди, юртимизда миллий маросимлар, урф-одатлар ва аънъаналарни тиқлаша, унтилиш арафасидан турган қадими қўшилар ва раксларни излаб топиш, ёшларнинг миллий қадриятларга бўлган эътибори ва қизиқшини янада оширишга қартилган ишлар кўлами тобора кенгайбон бораётганини таъкидлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1998 йилдан бўён фаолият юритаётган

муассасасидаги ҳар бир йўналиши ва бўлимлар йил давомида амалга оширилган ишларни сархисоб қилиб, ҳисобот концертини ўтказиши анъанага ай-

вилоятларнинг фольклор анъаналарини, урф-одат ва маросимларини, миллий ва халқ қўшиларини маромига етказиб ижро этиш орқали барчани лол колдирашапти.

Концерт дастури доирасида иктидорли ўқувчилар «Кўклим келиб», «Чорлов», «Жўралар», «Сурхон термалари», «Сумалакни бошладик», «Ялла жоним, ялла», «Вак-вака сумалак», «Бир қараб кўй» каби халқ қўшиларини, «Андикон гуллари», «Доира дум-дума» каби эстрада йўналишидаги қўшиларни ижро этишиди. Шунингдек, коллежининг 3-боскич талабалари З.Жўробеева ва Ф.Муродуллаевнинг хоразмса дуэти, битирувларнинг биргалида ижро этиган «Баркамол авлод», «Ёшлик» ва «Ватан мадди» қўшиларни барчада катта қизиқиш ўтгодти.

Мазкур тадбир иктидорли ижро чилар ва миллий жамоаларни кааш этиш, ижодини кенг тарбиб этиш, уларни кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш хамда ёш авлоднинг ўзбек миллий фольклоршунослигига бўлган меҳрини янада ошириши билан ҳам аҳамияти бўлди.

Азима КИЁСОВА,  
«Туркестон-пресс»

## СУМАЛАК САЙЛИ БОШЛАНАДИ

ги миллий меросимиз сарчашмаларини асрар-авайлаш ҳамда шу йўналишида ижод қилаётган ёшларни тарбиялашда етакчилик киммоқда.


— Тарих силсиласидан омон қолиб келаётган қадими қўшилар, лапарлар каби фольклор жанрлари бугун қўята тикланиб, иккинчи умраниннама ошамоқда, — дейди концерт ташкилотчиси, коллеж профессори Ў. Тошматов. — Қувонарлиси, мамлакатимизда фаолият юритаётган ўйник фольклор-этнографик жамоалар аъзоларининг аксариятини ёшлар ташкил этияпти. Таълим

ланган. Унда гурухдаги 15 нафар ўкувчининг ҳар бирни биттадан кўшик, лапар, алла ёки рақс ижро этиб берishi шарт. Биз устозлар уларнинг якуний ижодишиларни концертда намоиш қилаётган қўшиларининг савиаси, услуби, ижрочилик маҳоратига ҳамда ўзларини саҳнада тушиши, қобилиятини кенг оммага кўрсатса олишига қараб баҳоламиз. Бугунги тадбирда ижро этилаётган қўшиларда юртимиздаги бунёдкорлик, дориломон, тинч ва осуда кунларга шукроналик мадҳ этилган. Коллежнинг битирувчи ёшлари турли

### Спорт янгиликлари

#### МУСОБАҚА ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича 10 ва 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилаётган мамлакат чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.



Ўн ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида пойтахтлик Сайдакбар Сайдалиев чемпионлик сари яна бир қадам ташлади. Бунгача кетма-кет олти партияда зафар кучган истеъодиди спортчи еттини турда совранили ўринлар учун курашаётган андиконлик Шоҳамирбек Тохижбовини мот қилиб, пешқадамлик мавқенин мустаҳкамлади. Мусобақа якунланишига иккى тур колганида олтилардан очко жамғарган самарқандлик Далер Воҳидов ва андиконлик Азиз Боймұхаммадов ҳам медаллар учун курашни давом этирмоқда.

Қизлар ўртасида самарқандлик Зебо Усмонованинг ўйини муҳлису мутахассисларга манзур бўлмоқда. У еттини турда пойтахтлик Асал Салимованин мот қилиб, етти очко билан биринчи ўринда бормокда. Коракалпогистондан келган Селби Кақишиева эса пойтахтлик Эльвира Актирини енгиг, олти очко билан иккинчи ўринга кўтарилиди. Навоийлик Ситора Бўстонова 5,5 очко билан кучли училикда.

14 ёшгача бўлган ўғиллар мусобақасида еттини турда тошкентлик Олег Артеменко ўз

ҳамашари Сардор Исроловни енгиг, очкочилири 6,5 га етказди. Бу йилги мусобақада илк бор мағлубиятга учраган Сардор эса мағлубиятдан сўнг еттини ўринга тушди. Қизлар мусобақасида очко йўқотмаган ягона спорти — фарғоналик Гулрухбек Тохиржоновна еттични партияда андиконлик Исимгул Тохижбованинг ёнгиди. Муваффакиятли дона сурʼётган самарқандлик Шахноза Турсунова навоийлик Гулзода Аблаева устидан қозонилган галаба эвазига иккинчи ўринга чиқди.

**Россиянинг  
Новосибирск шаҳрида  
кикбокс бўйича  
ўтказилган ҳалқаро  
турнирда  
ҳамюортларимиз еттита  
медални қўлга  
киритди.**

#### ҲАМЮОРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Вазни 63 килограммдан оғир кикбоксчилар ўртасидаги белла-шувда Бобур Иброҳимов шоҳсуннинг ёнг юқори поғонасадан жой олди.

Спорчиларимиздан Мұхаммадали Тоштургулов, Жамолиддин Салимжонов, Дишлод Содиков ва Александр Столяров кумуш медални қўлга кирилган бўлса, Темур Яшинов ва Даврон Жуманов бронза медаль билан тақдирланди.

(ЎзА)

**Арча доимий яшил, умрбоқӣ, сарвбӯй қомати билангина эмас, балки шифобахшили билан ҳам азалдан ардоқлаб келинади.**

#### Шифобахш ўсимликлар

#### АРЧАНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

ичилади. Арча пўстлоги ва илдизлари асосида тайёрланадиган спиртли тиндирима (настойка)дан бўйимларнинг яллигланишида (артрит) фойдаланилади.

Арча пўстлогидан тайёрланадиган кайнатма мизоз сустлигига кувват багишиловчи табии омил тарикасида ичилади.

Замонавий тиббиётда қора арча мевалари эфир мойи шиллик пардаларни таъсирлаб, меъда-ичак, бўйрак ва боша аъзоларнинг яллигланишида, пешоб хайдайдиган, дезинфекциялайдиган восита сифатида, ревматизм, дерматитлар, кўтири, темиратки, мойхўрак ва боша касалликларга оғрик қолдирадиган, ўт хайдайдиган ташシリ мавжуд. Меваларий бўйрак касалликлари, гастрит, ўт-тош касаллиги, нафас аъзоларнинг яллигланишида, пешоб хайдайдиган, дезинфекциялайдиган восита сифатида, ревматизм, дерматитлар, кўтири, темиратки, мойхўрак ва боша касалликларга оғрик қолдирадиган, ўт хайдайдиган ташシリ мавжуд.

Арчанинг яллигланиши (стоматит), муртак безларнинг яллигланиши (ангина), гуш (экзема) касаллигига даво килиш учун ҳам фойдаланилади. Арчанинг яллигланишига таъсирларни таъсирлайдиган, ўт хайдайдиган ташシリ мавжуд.

Арчанинг ўзига хос ажойиб хусусияти шундаки, у кўп микрорда фи-

тонциларни ажратади (фитонциллар ашаддий бактерияларга қирон келтирувчи табии омил бўйиб хизмат қиласи): агар I гектар майдондаги кенин япроқли дарахтлар ёз палласидан 2 кг фитонцилларни ажратса, ана шу майдонлардаги ингабаргли дарахтлар 5 кг, арчазорлар эса 30 кг гача фитонцилларни таратади. Шундай экан, табииатимизнинг ноёб тухфаларидан бўлган арчани кўпайтиришимиз лозим. Сарвбӯй арчаларни асле курилиш искунаси, ёқилги омил, зебли ашёлар учун, шунингдек янги йил муносабати билан кесишига ошикмаслик керак.

Курилган қора арча бужурларидан 120 грамм миқдорда олиб, 400 г сувда юмшагунча қайнатилади, сўнгра сузиб олинади-да, унга шакар кўшиб пешоб хайдайдиган, аёллар сутини кўпайтирадиган восита сифатида, шунингдек меъда-ичак ўйли касалликларидан овқатдан один 1 чой қошикдан ичиш тавсия килинади.

Сафро хайдаш, балғам кўчирувчи

дори тайёрлаш учун 1 ош қошик миқдорида қора арча бужури тустига 2 стакан қайноқ сув куйид, 20 дақиқа қайнатилади, сўнг сузиб олиб, сафро хайдайдиган, изтиробли йўталга барҳам берадиган восита тарикасида 1 ош қошикдан кунига 3 марта ичиш учун тавсия этилади.

Никриз ва бод дардига ванна

қабулини ўзига учун 200 гр курик арча бужур мевалари 2 литр сувда қайнатилиб, умумий сувга кўшилади.

Эслатма сифатида шуни айтиш керак, ўткир кўришишдаги бўйрак

касалликларидан арча препаратларини буюриб бўлмайди.

Манон НАБИЕВ,

доришунос

#### «02»

#### ҚУЛАЙ ЖОЙ-ДА!

**Азалдан кўпчилик ўйик шаҳарларга, пойтахтларга интилиб келган, у ерда меҳнат қилиб, ризқ-насибасини териш истагида бўлган. Бироқ марказга интихобчилар орасида қинғир ниятилар ҳам борки, улар фирибгарликлар учун қулај жой сифатида пойтахтларда «фаолият» юритишади. Ҳаким ҳам ана шундай «учарч»лардан бир экан.**

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек туманида «иш кўрсаткан» Ҳаким қишиларни Чехия давлатига ишлаш учун юборман деб алдаб, уларнинг пулларини эгалла олиш билан шуғуланиб келган. Жумладан, 1974 йилда тугилган Содик ва Юнусларни ўз тузогига илнтириб, ҳар бирдан 3.350 АҚШ доллари ва 1000 Россия рублини олиб, қайтариб бермаган. Бу ҳам етмагандек, Ҳаким уларнинг фуароли паспортининг 13-бетига Чехия давлатига чиқиш учун муайян ҳуқук берадиган мурҳ деб алдаб, қалбаки мурҳ босиб берган.

Шубъулини ўзига ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегислиларидан маддайлар билан жиноят иши кўзғатилиб, терғов ҳаркатлари олиб берилмоқда.

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек туманида «иш кўрсаткан» Ҳаким қишиларни Чехия давлатига ишлаш учун юборман деб алдаб, уларнинг пулларини эгалла олиш билан шуғуланиб келган. Жумладан, 1974 йилда тугилган Содик ва Юнусларни ўз тузогига илнтириб, ҳар бирдан 3.350 АҚШ доллари ва 1000 Россия рублини олиб, қайтариб бермаган. Бу ҳам етмагандек, Ҳаким уларнинг фуароли паспортининг 13-бетига Чехия давлатига чиқиш учун муайян ҳуқук берадиган мурҳ деб алдаб, қалбаки мурҳ босиб берган.

Шубъулини ўзига ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегислиларидан маддайлар билан жиноят иши кўзғатилиб, терғов ҳаркатлари олиб берилмоқда.

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек туманида «иш кўрсаткан» Ҳаким ҳам ана шундай «учарч»лардан бир экан.

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек туманида «иш кўрсаткан» Ҳаким ҳам ана шундай «учарч»лардан бир экан.

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек туманида «иш кўрсаткан» Ҳаким ҳам ана шундай «учарч»лардан бир экан.

Аниқланишича, асосан М.Улуғбек тумани